



## МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛ КИЛИШ ВА БОШҚАРИШ ТАМОЙИЛЛАРИ

Муртозоқулова Нигора Шухрат қизи  
Жиззах давлат педагогика университети  
Таълим муассасаларининг бошқаруви магистранти

**Аннотация:** Ушбу мақолада мактабгача таълимни ташкил килиш ва бошқариш тамойиллари, принциплари ҳақида маълумотлар келтирилган. Бундан ташқари ушбу мақолада Фаёлнинг бошқарув принциплари ҳақида фикрлар ўрин олган.

**Калит сўзлар:** принцип, тамойил, мезон, усул, бошқарув, замонавий ахборот-коммуникация ва инновация технологиялар.

Ҳар қайси соҳани самарали идора этиш, авваламбор, боиқариш тамойил ва мезонлари, усул ва услубларининг илмий асослангани, қай даражада такомиллашгани билан белгиланади. Шу боис уларнинг ҳар бирини тавсифлаш, мохиятини ифодалашга эхтиёж туғилади.

Тамойил — бирор-бир соҳада, жумладан, таълим соҳасида илмий-амалий жиҳатдан асосланган хulosалар, эришилган натижалар. Бошқариш усули — бошқарув субъектининг (бизнинг Холатимизда бу — халқ таълими бошқаруви идоралари, муассаса раҳбарияти ва х.к.) муайян мақсадларга эришишни назарда тутган холда бошқарув обьектига (бизнинг холатимизда бу — мактабгача таълим муассасаси, тарбияланувчилар ва х.к.) таъсир этиш усул ҳамда воситаларининг мажмуи. Бошқаришнинг психолигик услублари — бу шахснинг мустаҳкам психолигик хислатлари — диққат, идрок, тафаккур, сезги, онг орқали бошқариш услублари мажмуи. Бу тушунчалар ўзаро бир-бирлари билан узвий боғлик, бўлиб, буларнинг барчаси кишилар ўртасидаги муносабатларда кузатилади. Бугунги кунда жамият ҳаётининг барча соҳаларида, шу жумладан, бошқариш жараёнида замонавий ахборот-коммуникация ва инновация технологиялари татбиқ этилиб, уларга таянган ёндашувлар қарор топмокда.



Бошқариш усулининг энг муҳим белгиларидан бири унинг илмий ёндашувга таянишида намоён булади. Зеро, бугун бошқарув жараёнини илмий асосда ташкил этмасдан унинг изчиллиги ва самарадорлигини тасаввур этиб бўлмайди. Албатта, раҳбар шахс муайян соҳани, корхона ёки ташкилотни самарали бошқариши учун, аввало, етарли малака ва билим, раҳбарлик салоҳияти, кўплаб маънавий-ахлоқий хислат ва фазилатлар соҳиби бўлиши даркор. Таълим соҳаси, жумладан, мактабгача таълим муассасаларини бошқариш ҳам бундан истисно эмас. Ушбу муассасалардаги бошқарув фаолиятида назарий билим ва амалий тажриба ва кўникмаларни ўзаро ўйғун ҳолда кўллаш таълим-тарбия билан боғлиқ масалаларни талаб даражасида ҳал этиш, бу жараёнда фойдаланиладиган усул ва услубларни узлуксиз такомиллаштириб бориш, умуман олганда, мактабгача таълим-тарбия тизимини янада ривожлантиришга хизмат қилади.

**тамойил (принцип)** — қарор қабул қилишда хисобга олиниши ёки амал қилиниши зарур бўлган илмий асос, қоида хисобланади. Ходимга раҳбарлик бошқарув функцияси сифатида бошқа барча функцияларни ягона бирликка бирлаштириши, мувофиқлаштириши, ўзаро боғлаши, интеграция қилиши керак. Бунга ходим билан ишлаш тамойилларини амалга ошириш орқали эришилади.

Рахбар ходимни бошқарар экан, ўзига бўйсунувчиларга фақат буйруқ бериш билан чекланмасдан, улар куч-гайратларини аниқ мақсадга йўналтириб туриши, ўз салоҳиятларини намоён эта олишларига кўмаклашиш атрофида маслақдошларини бирлаштириши, яъни ходимга раҳбарлик қилиш тамойилларидан фойдалана билиши зарур. Бу қўйидагиларни ўз ичига олади:

- хар бир ходимга у бажарадиган иш учун масъулиятни юклаш;
- хар бир ходим кимга бўйсуниши ва кимдан топшириқ олишини билиши керак;
- ходимни бошқариш мақсади. Замонавий раҳбарлик белгиланган мақсадга эришиш учун ходим ва маъмурият хамкорлигини назарда тутади;
- раҳбарнинг бевосита иштироки. Бутун меҳнат жамоасига бош бўлган биринчи раҳбар янгаликларни жорий этиш, ишлаб чиқаришни такомиллаштириш ва бошқа масалаларда шахсан иштирок этиши шарт;



— мувофиқлик. Кадрлар сиёсати кўзланган мақсадга, тегишли мезонларга мувофиқ бўлиши керак.

Турли босқич (бўғин)лардан иборат бўлган бошқарув тизими бошқарув турли босқичларини алоҳида раҳбарлар ёки бошқарув орган (аппарат)ларига биритириб кўйилишини тақозо этади.

Анри Файол бошқаришга оид тамойилларига сезиларли тузатишларни киритиши тақозо этади. Шу билан бирга, ходимларни, меҳнат жамоаларини, ишлаб чиқаришдаги муносабатлар жараёнларини бошқариш, шунингдек, бошқарув тамойиллари ўзига хос ифода ва мустақил моҳият касб этмоқда. Функциялар, ваколатлар ва масъулиятни аниқ тақсимлаш тамойили бўйсинувчиларнинг, шунингдек ташкилотни бошқариш тизимининг турли бўғинлари раҳбарларининг ҳуқук ва мажбуриятларини аниқ тартибга солиши назарда тутади. Бу тамойилга мувофиқ, ходимлар қайси кўрсатм алар раҳбарлар томонидан берилиши, қайси функциялар ходимларнинг ўzlари томонидан иш моҳияти ва тегишли меъёрий йўриқлар доирасида мустақил бажарилиши кераклигини аниқ билиши керак. Иш жараёнида раҳбарнинг ва унинг ижро чиларининг масъулият доиралари ҳам маълум бўлиши лозим.

Ходимлар қай даражада ҳаракат қилиш ҳуқуқи ва имкониятларига эга эканлиги белгиланиши керак. Бунда ижро чининг мустақил ёхуд юзага келган вазиятдан келиб чиқиб бажариши керак бўлган функциялари кўрсатилиши лозим . Ходим лар томонидан уларга тегишли функцияламинг бажарилмаслиги ёки улар доирасидан чиқишига нисбатан масъулияти ҳам аввалдан белгиланиши керак. Қуйида ходимни бошқаришнинг бир нечта замонавий тамойилларини келтириб ўтамиз.

Интизомийлик тамойили хизмат хатти-ҳаракатининг нормаси сифатида ташкилотларда белгиланган иш нормаларига риоя қилиш, иш вақтидан фойдаланиш, хизмат мажбуриятларини бажариш, меҳнат шартномасининг шартларини бажариш, шунингдек, раҳбариятнинг оғзаки ва ёзма шаклдаги кўрсатма ва топшириқларини сўзсиз бажаришни назарда тутади. Интизомга риоя этиш, раҳбар ва ходим ўртасидаги муносабатлар моҳиятига боғлиқ бўлмаслиги керак, интизомий қоидалар ташкилотнинг барча ходими учун мажбурий бўлиши керак. Интизомийлик тамойили



барча ходимиар, шу жум- ладан бошқарув аппарати аъзоларидан ҳам шахсий интизомийликни талаб этади, яъни хизмат интизоми қоида ва нормаларига раҳбарият томонидан кўрсатмалар ёки меҳнат жамоасининг таъналаридан қатъий назар риоя қилиниши керак. Интизомнинг бузилиши агар у такрорий ва онгли равишда содир этилса — интизомий чоралар кўрилиши керак.

Ходимни ҳошқаришда марказлаштириш ва демократтиришнинг уйғунлиги тамойили ходимларга ташкилий-кўрсатмавий шаклда бошқарувга оид қарорларнинг ходим, меҳнат жамоаси, алоҳида ижрочилар томонидан белгиланган ваколатлар доирасида мустақил ишлаб чиқилиши уйғунлигига услубларинг заруратини келтириб чиқаради. Бошқаришни марказлаш тириш ва қўрсатмав ий -фармой иш усусларини қўллашда раҳбарнинг шахсий иродасига бўйсуниш ва қабул қилинган қарорларга шахсий жавобгарликни талаб этувчи бошқарув қарорларини ишлаб чиқища фойдаланиш керак. Бутун ходим ёки унинг бир қисми иштирокидаги жамоавий қарорлар меҳнат жамоасининг манфаатларига оид ва ўта муҳим аҳамият касб этса, бутун жамоа масъулияти билан боғлиқ бўлган ҳоллардагина қабул қилинади. бошқариш жараёнида номутаносибликларнинг олдини олишга қаратилган.

Бу тамойилга мувофик, ходим битта раҳбарга бўйсуниши лозим, бир-нечта функционал раҳбарлар мавжуд боғланса — шу раҳбарларнинг фақат бирининг топшириклини бажариш тўғрисида кўрсатма олиши керак. Яккашахслик тамойилига риоя этиш зиддиятли, ўзаро келишилмаган кўрсатмаларнинг олдини олишга қаратилган.

Жамоа умумий манфаатларининг алоҳида ходимнинг шахсий манфаатларидан устунлиги тамойили. Ходимни бошқаришда бундай бошқарув ким ва қандай усусларда бажарилишидан қатъий назар, жамоавий манфаатлар хусусий манфаатлардан устун бўлиши керак. Бу шуни англатадики, жамоа, ходимнинг хатти-харакатлари жамоанинг умумий фаровонлигини таъминлашга қаратилиши керак. Бир вақтнинг ўзида умумий манфаатларнинг йиғиндисида ишлаб чиқариш жамоаси, ташкилотнинг ҳар бир аъзосининг манфаатлари ёддан чиқмаслигига интилиш керак, яъни жамоага аъзо битта шахснинг манфаати умумий манфаатнинг бир қисмини ташкил этиши керак. Инсон шахсий манфаатларининг ташкилотнинг бутун ходими



манфаатларига бўйсуниш тамойили ташкилотда корпоратив руҳнинг устунлигини ифодалайди. Бу тамойил раҳбарга ҳам оид бўлиб, унинг манфаатлари ходимни бошқариш жараёнидаги бошқа меҳнат жамоаси аъзолари манфаатларига зид бўлиши мумкин эмаслигини англатади.

Шунингдек, тезкор мажлисларни ўтказиш, ходимларга кундалик топширикларни бериш, бандликни тартибга солиш ва ижрочилари жой-жойига қўйиш ҳам қўлланилади. Режа ва дастурларга мувофиқ келадиган ишлами бажариш бўйича узоққа м ўлжаллаган жадвал тузиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Барқарорлик тамойили шаклланган меҳнат жамоасини сақлашга бўлган табиий интилиш, қадрлар қўнимсизлигини камайтириш, ташкилот ходимининг қарор топган профилини барқарорлаштиришни назарда тутади. Бу тамойил ходимни бошқарувчи шахсларга ҳам тегишли бўлиб, у жамоа ва умумий ишнинг муваффақиятига раҳбарлар алмашувининг салбий таъсир этишини кўрсатади. Барқарорликка эришиш ва уни ушлаб туриш ишчилар ва раҳбарларнинг алмашиши оқибатидаги қўшимча харажатлар, йўқотишларнинг пайдо бўлиш хавфи билан боғлик. Аммо шуни таъкидлаш жоизки, ходимлар ва раҳбарлар таркибида барқарорликни сақлаб қолишга ҳаддан ташқари интилиш консерватизмга, жамоанинг ходимлар таркиби ва раҳбар бўғинларига ёшларнинг кириб келишига, ишлаб чиқаришда инноватцияларнинг яратилишига тўқинлик қилиши ҳам мумкин. Адолатлилик ва шахсни ҳурмат қилиш тамойили меҳнат жамоаси орасида ишни адолатли тақсимлаш, иш натижалари учун тақдирлаш, лавозимда ўсиш, раҳбарлар томонидан ходимларга ҳурмат билан муносабатда бўлиш, уларнинг сўровларига ўз вақтида муносабат билдириш сифатида талқин этилади. Ижтимоий адолат деб ҳам номланувчи адолат тамойилига риоя этиш кўпинча «адолат» тушунчасининг ноаниклиги билан ҳам мураккаблашиб кетади.

Ходимни бошқариш жараёнида раҳбар ва ходим адолат ва ишга оид қарор юзасидан ззаро сезиларли фарқ этадиган ёндашувни ифода этувчи вазиятни кузатиш мумкин. Ваколатли (компетентли) раҳбарлик тамойили ходимни бошқарувчи шахслар, менежерлар ўзларининг юқори касбий маҳорат ва малака эгаси эканлигини кўрсатувчи фазилатларга эга бўлишини талаб этади. Одатда, менежер ўз билимлари ва малакаси бўйича ходим лардан устун бўлиши керак. Энг муҳими — раҳбанинг



жамоани бошқариш, ишни ташкил этиш қобилияти, одамлар билан мулоқот қилиш қобилияти, келишувчанлик каби фазилатлар эгаси, шунингдек, тўқнашувларнинг олдини олиш қобилиятига ҳам эга бўлиши лозим.

## FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI

1. Виноградова Н.А., Микляева Н.В., Толстикова Ю.В. ва ҳоказо. Мактабгача таълим таълим. Терминлар луғати / - М.: Айрис-пресс, 2005.- 400б.
2. Новикова Г.П. Замонавий мактабгача таълимни бошқариш шартлар: Мактабгача таълим муассасаси раҳбари учун қўлланма. - М.: Вентана-Граф, 2007.-- 80 б. - (Кутубхона болалар боғчаси).
3. Поздняк Л. В., Ляшенко Н. Н. Мактабгача таълимни бошқариш: Дарслик. студ учун қўлланма. пед. университетлар. - 2-нашр, Стереотип. М.: "Академия" нашриёт маркази, 2001.-- 432 б.
4. Троян А.Н. Мактабгача таълимни бошқариш: дарслик. - М.: Сфера ТС, 2005.-- 160 б. (Қўлланма)